


**Ўзбекистон Республикаси**  
**Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги**

*5231500 – Баҳолаш иши*  
**бакалаврият таълим йўналишининг малака талаблари**

Тошкент



## СЎЗ БОШИ

### 1. ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН ВА КИРИТИЛГАН:

- Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини Ривожлантириш маркази;
- Тошкент молия институти.

### 2. ТАСДИҚЛАНГАН ВА АМАЛГА КИРИТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил «6» апрел даги 137 сонли буйруғи.

### 3. ЖОРИЙ ЭТИЛГАН:

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги.

Мазкур малака талабни Ўзбекистон Республикаси ҳудудида расмий чоп этиш ҳуқуқи Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигига тегишлидир.

## МУНДАРИЖА

Т/р		бет
1.	<b>5231500 – Баҳолаш иши бакалавриат таълим йўналишининг умумий тавсифи.....</b>	<b>4</b>
1.1.	Қўлланиш соҳаси .....	4
1.2.	5231500 – Баҳолаш иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи .....	4
2.	<b>5231500 – Баҳолаш иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .....</b>	<b>6</b>
2.1.	Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар .....	6
2.2.	5231500 – Баҳолаш иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари .....	6
3.	<b>5231500 – Баҳолаш иши бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .....</b>	<b>8</b>
3.1.	Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар .....	8
3.2.	5231500 – Баҳолаш иши бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми .....	10

## 1. 5231500 – Баҳолаш иши бакалаврият таълим йўналишининг умумий тавсифи

5231500 – Баҳолаш иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар тайёрловчи олий таълимнинг ўқув режа ва фан дастури асосида амалга оширилади, унинг назарий ва амалий машғулотларини тўлиқ ўзлаштирган, якуний давлат аттестациясидан муваффақиятли ўтган шахсга «бакалавр» малакаси (даражаси) ҳамда олий маълумот тўғрисидаги давлат намунасидаги расмий ҳужжат(лар) берилди.

Ўқув режа ва фан дастурининг меъёрий муддати ва мос малака(даража)си 1-жадвалда келтирилган.

1-жадвал

### Ўқув режа ва фан дастурининг муддати ва битирувчиларнинг малака(даража)си

Ўқув режа ва фан дастурининг номи	Малака	Ўқув режа ва фан дастурини ўзлаштиришнинг меъёрий муддати
Бакалавриятнинг ўқув режа ва фан дастури	Бакалавр	4 йил

### 1.1. Қўлланиш соҳаси

1.1.1. Олий таълимнинг ушбу малака талаби 5231500 – Баҳолаш иши таълим йўналиши бўйича олий маълумотли бакалаврлар тайёрлаш ўқув режа ва фан дастурларининг ўзлаштирилишини амалга оширишда Ўзбекистон Республикаси ҳудудидаги барча олий таълим муассасалари учун талаблар мажмуини ифодалайди.

1.1.2. Олий таълим муассасаси мазкур бакалаврият таълим йўналиши бўйича кадрлар тайёрлаш ваколатига эга бўлганда малака талаб асосида ўқув режа ва фан дастурларини амалга ошириш ҳуқуқига эга деб ҳисобланади.

1.1.3. Малака талабнинг асосий фойдаланувчилари:

– мазкур таълим йўналиш бўйича фан, техника ва ижтимоий соҳа ютуқларини ҳисобга олган ҳолда ўқув режа ва фан дастурларини сифатли ишлаб чиқиш, самарали амалга ошириш ва янгилаш учун масъул олий таълим муассасаларининг профессор-ўқитувчилари;

– таълим йўналишининг ўқув режа ва фан дастурларини ўзлаштириш бўйича ўқув-тарбия фаолиятини самарали амалга оширувчи барча ходимлари ва талабалари;

– ўз ваколат доирасида битирувчиларнинг тайёргарлик даражасига жавоб берадиган олий таълим муассасаларининг бошқарув ходимлари (ректор, проректорлар, ўқув-услубий бошқарма бошлиғи, деканлар ва кафедра мудирлари);

– битирувчиларнинг тайёргарлик даражасини баҳолашни амалга оширувчи Давлат аттестация ва имтиҳон комиссиялари;

– олий таълим муассасасини молиялаштиришни таъминловчи органлар;

– олий таълим тизимини аккредитация ва сифатини назорат қилувчи ваколатли Давлат органлари;

– таълим йўналишини ихтиёрий танлаш ҳуқуқига эга бўлган абитуриентлар ва бошқа манфаатдорлар.

### 1.2. 5231500 – Баҳолаш иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг тавсифи

1.2.1. 5231500 – Баҳолаш иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятининг соҳалари:

5231500 – Баҳолаш иши бакалаврият таълим йўналиши иқтисодиёт соҳасидаги йўналиш бўлиб, у турли хил мулк қийматини баҳолашни бажаришга йўналтирилган ёндашув, усул ва воситалар мажмуини қамраб олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият соҳаларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**1.2.2. 5231500 - Баҳолаш иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг объектлари:**

–Ўзбекистон Республикасининг Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси ва ҳудудий бошқармалари; Ўзбекистон Республикаси Молия вазирлиги ва ҳудудий бошқармалари; Ўзбекистон Республика баҳоловчи ташкилотлар ассоциаси, Ўзбекистон баҳоловчилар жамияти, тижорат банклари, турли мулкчилик шаклидаги корхоналар, компаниялар, консалтинг фирмалари, ахборот ва рейтинг агентликлари, товар ва хом ашё бозорлари, баҳолаш компаниялар, иктисодиёт тармоқлари ва соҳалари.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият объектларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

**5231500 – Баҳолаш иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолияти қуйидагиларни қамраб олади:**

- мулк ва бизнес (корхона)нинг ҳамда интеллектуал мулкни, уларга эгаллик ва бошқа ҳуқуқлар қийматини баҳолаш, таҳлили, экспертизаси, баҳолаш ҳисоботини тузиш ва уларнинг барчаси бўйича маслаҳатлар бериш ва бошқалар;

- баҳолаш фаолиятини ташкил этиш, режаслаштириш, таҳлил қилиш, прогнозлаштириш, самарали юритиш, қайта ташкил этиш ва ривожлантириш, баҳоловчи этикаси ва этикетига риоя қилиш, молиявий-хўжалик фаолиятини таҳлил қилиш ва юритиш, лойиҳаларни тузиш ва амалга ошириш, ҳисоб юритиш ва ҳисоботлар тайёрлаш ва бошқалар.

**1.2.3. 5231500 – Баҳолаш иши таълим йўналиши бўйича бакалаврлар касбий фаолиятларининг турлари**

- молиявий-иқтисодий;
- ҳисоб, таҳлил ва назорат;
- ташкилий-бошқарув;
- хизмат кўрсатиш;
- илмий-тадқиқот;
- Олий, малака ошириш, қайта тайёрлаш таълим муассасаларида илмий-педагогик ҳамда ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида педагогик фаолият (ўрнатилган тартибда) кабиларни ўз ичига олади.

*Йўналиш бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда бакалаврларнинг касбий фаолият турларида қўшимча ва ўзгаришлар бўлиши мумкин.*

Таълим йўналиши бўйича тайёрланган бакалаврлар касбий фаолиятларининг муайян турлари таълим жараёнининг манфаатдор иштирокчилари билан ҳамкорликда олий таълим муассасаси томонидан аниқланади.

**1.2.4. Таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий мослашув имкониятлари**

Таълим йўналиши бўйича бакалавр педагогик қайта тайёрлашдан ўтгандан сўнг ўрта махсус, касб-ҳунар таълим муассасаларида махсус фанларни ўқитиши мумкин.

**1.2.5. Таълимни давом эттириш имкониятлари**

**5231500 – Баҳолаш иши таълим йўналиши бўйича бакалавр касбий тайёргарликдан кейин 5A231501 – Баҳолаш иши ва риэлторлик (мулк объектлари бўйича) магистратура мутахассислиги бўйича икки йилдан кам бўлмаган муддатда ўқишни давом эттириши мумкин.** Шунингдек, ўрнатилган тартибда мустақил тадқиқотчилик асосида илмий-тадқиқот ишларини олиб бориши мумкин.



## **2. 5231500 – Баҳолаш иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар**

### **2.1. Бакалаврларнинг тайёргарлик даражасига қўйиладиган умумий талаблар:**

- дунёқараш билан боғлиқ тизимли билимларга эга бўлиши; гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар асосларини, давлат сиёсатининг долзарб масалаларини билиши, ижтимоий муаммолар ва жараёнларни мустақил таҳлил қила олиши;

- Ватан тарихини билиши, маънавий миллий ва умуминсоний кадриятлар масалалари юзасидан ўз фикрини баён қила олиши ва илмий асослай билиши, миллий истиқлол ғоясига асосланган фаол ҳаётий нуқтаи назарга эга бўлиши;

- табиат ва жамиятда кечаётган жараён ва ҳодисалар ҳақида яхлит тасаввурга эга бўлиши, табиат ва жамият ривожланиши ҳақидаги билимларни эгаллаши ҳамда улардан замонавий илмий асосларда ҳаётда ва ўз касб фаолиятида фойдалана билиши;

- инсоннинг бошқа инсонга, жамиятга ва атроф-муҳитга муносабатини белгиловчи ҳуқуқий ҳамда маънавий мезонларни билиши, касб фаолиятида уларни ҳисобга ола билиши;

- ахборот йиғиш, сақлаш, қайта ишлаш ва улардан фойдаланиш усулларини эгаллаган бўлиши, ўз касб фаолиятида мустақил асосланган қарорлар қабул қила олиши;

- тегишли бакалаврият таълим йўналиши бўйича рақобатбардош умумқасбий тайёргарликка эга бўлиши;

- янги билимларни мустақил эгаллай билиши, ўз устида ишлаши ва меҳнат фаолиятини илмий асосда ташкил қила олиши;

- соғлом турмуш тарзи ва унга амал қилиш зарурияти тўғрисида илмий тасаввур ҳамда эътиқодга, ўзини жисмоний чиниктириш укув ва кўникмаларига эга бўлиши лозим.

#### **Бакалавр:**

- таълим йўналиши бўйича олий маълумотли шахслар эгаллаши лозим бўлган лавозимларда мустақил ишлашга;

- тегишли бакалаврият йўналиши доирасида танланган мутахассислик бўйича магистратурада олий таълимни давом эттиришга;

- кадрларни қайта тайёрлаш ва малака ошириш тизимида қўшимча касб таълими олиш учун тайёрланадилар.

### **2.2. 5231500 – Баҳолаш иши таълим йўналиши бўйича бакалаврларнинг касбий фаолиятларига қўйиладиган малака талаблари**

#### **Молиявий-иқтисодий фаолиятда:**

- баҳолаш ишига оид Ўзбекистон Республикаси қонун талаблари: “Ўзбекистон Республикаси баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонундан фойдалана олиши;

- Ўзбекистон Республикаси баҳолаш миллий стандартларидан фойдалана олиши;

- мулкларни баҳолашни амалга ошириш тартибини, баҳолаш ёндашувлари ва усулларини, баҳолаш натижаларини расмийлаштиришга қўйиладиган талабларни ўрнатувчи нормалари ва қоидаларини билиши ва ўз фаолиятида фойдалана олиши;

- мулкни баҳолашнинг ҳолисоналигига ва унинг сифатини оширишга кўмаклашишга қаратилган тартиботларни белгилаши;

- бошланғич дастлабки ахборотга, баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот мазмунига ва материални баён этишга қўйиладиган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботлар ҳар хил талқин қилинишини истисно этадиган талабларни белгилаши;

- иқтисодиёт субъектлари фаолияти самарадорлигини баҳолашда молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини қўллаши;

- мулкни баҳолашнинг самарали миллий тизимини шакллантиришга кўмаклашиши;

- иқтисодиёт субъектларининг молиявий барқарорлигини баҳолаш ва уни ривожлантириш йўлларини ишлаб чиқиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

#### **Ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолиятида:**

– мулкни баҳолашда маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиши;

– иқтисодий маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириши;

– мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиши;

– мулк бозори кўрсаткичларининг ўзгариш тенденциялари ва динамикасини таҳлил қилиши;

– молиявий ва статистик ҳисоботларни тузиш ҳамда уларни шарҳлаши;

– таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологияларидан ва техник воситалардан фойдаланиш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

#### **Ташкилий-бошқарув фаолиятида:**

– мулкни баҳолаш ҳақида вазифани белгилаш ва объектни баҳолаш тўғрисида шартнома тузиш;

– мулкни баҳолаш объектини идентификация қилиш;

– мулкни баҳолаш бўйича ахборот йиғиш ва уни таҳлил қилиш;

– мулкни баҳолаш ёндашувлари ва усулларини танлаш, асослаш ва қўллаш;

– мулкни баҳолаш натижаларини, қўлланилган баҳолаш ёндашувларини мувофиқлаштириш ва баҳолаш объектининг якуний қийматини ҳисоблаш;

– мулкни баҳолашда қўлланилган ёндашувлар натижаларини мувофиқлаштириш ва баҳолаш объектининг якуний қийматини ҳисоблаш;

– мулкни баҳолаш ҳақидаги ҳисоботни тузиш қобилиятига эга бўлиши керак.

#### **Хизмат кўрсатиш фаолиятида:**

– буюртмачи ва баҳоловчи ташкилот ўртасида тузилган шартномага мувофиқ баҳолаш объектини қийматини аниқлаш;

– мулкни баҳолаш объекти маълумотларини тўплаш ва таҳлил қилиш;

– тўпланган маълумотлар асосида баҳолаш ёндашувини танлаш ва қўллаш;

– баҳолаш ёндашувларини қўллаган ҳолда, баҳолаш объектини қийматини аниқлаб, якуний ҳисоботни тузиш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

#### **Илмий-тадқиқот фаолиятида:**

– илмий-тадқиқот институтлари ва илмий марказларда таълим йўналишларидаги фанлар ва уларни ўқитиш методикасига оид мавзуларда тадқиқот олиб бориш;

– интернет тармоғида энг янги илмий ютуқлар ҳақидаги маълумотларни мақсадга йўналган ҳолда қидириш ва топиш;

– таълим йўналишларидаги фанларга оид илмий тўпламлар, маҳаллий ва чет эл илмий-тадқиқот ютуқларини ўрганиш;

– илмий-тадқиқот ишланмаларини тайёрлаш, соҳа адабиётлари экспертизасини амалга оширишда қатнашиш;

– маълумотларни жамлаш, қайта тайёрлаш, мавзу бўйича илмий маълумотларни тизимли таҳлил қилиш;

– тадқиқот натижалари ва ишланмаларини татбиқ этиш;

– илмий муаммолар ечими натижаларини амалиётга жорий этиш *қобилиятларига эга бўлиши керак.*

**Педагогик фаолиятида (умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-хунар таълими тизимида):**

– умумий ўрта, ўрта махсус касб-хунар таълими тизимининг таълим муассасаларида тайёргарлик йўналишида назарда тутилган ўқув фанлари бўйича иқтисодий фанлардан замонавий ахборот ва педагогик технологиялардан фойдаланиб, назарий ҳамда амалий машғулотларни ўтказиш;

– ўқув жараёнини ташкил этиш ва ўтказилишига кўмаклашиш, тадқиқотларда иштирок этиш, маълумотларни тўплаш, умумлаштириш ва таҳлил этиш;

– ўқитилаётган фанлар бўйича дарс машғулотларини ўтказиш учун зарур бўлган ўқув-методик ҳужжатларни шакллантириш, тузиш ва уларни татбиқ этиш;

– мустақил таълим ва ижодий кидирув натижасида ўқитилаётган фан ҳамда педагогик фаолият соҳасидаги методлар, воситалар ва шакллар жабҳаларида ўз-ўзини мунтазам такомиллаштириб бориш *қобилиятларига эга бўлиши лозим.*

### **3. 5231500 – Баҳолаш иш бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фан дастурлари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

**5231500 – Баҳолаш иш** бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурлари умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ва узвийлик таъминланишини инобатга олган ҳолда ишлаб чиқилиши ва талабаларнинг куйидаги мажбурий фанлар блокларини ўзлаштиришини назарда тутиши зарур:

гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий;

математик ва табиий-илмий;

умумкасбий;

ихтисослик;

қўшимча.

Касб фаолияти кўникмаларини эгаллаш учун малака амалиётлари ўтилиши назарда тутилиши шарт.

Ўқув режалар мажбурий ўқув фанлари билан бир қаторда талабалар танлаган фанларни ҳам ўз ичига олиши шарт.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режаси ва фанлар дастурларини ўзлаштиришда талабаларнинг ўқув фанларига оид бир қанча масалалар ва муаммолар бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши лозим.

Бакалавриат таълим йўналиши ўқув режасига мувофиқ равишда якуний давлат аттестацияси билан тугалланиши шарт.

#### **3.1. Ўқув режа фанлари блоклари мазмунига қўйиладиган умумий талаблар**

##### ***Гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блоки:***

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги томонидан тасдиқланадиган олий таълимнинг бакалавриат таълим йўналишлари ўқув режаларидаги гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар блокига қўйиладиган умумий талаблар асосида белгиланади.

##### **Математик ва табиий-илмий фанлар блоки:**

- умумий ўрта ва ўрта махсус, касб-ҳунар таълими билан узлуксизлик ҳамда узлуксизликни инобатга олган ҳолда билишнинг математик усуллари, мураккаб иқтисодий тизимлар ва жараёнларни моделлаштириш тамойиллари, информатика ҳамда ахборот тўплаш, уларни қайта ишлаш ва узатиш усулларининг жамиятдаги ўрни ва аҳамияти ҳақида олий даражадаги тасаввурларни шакллантириши;

- табиий фанларнинг ўзаро фундаментал бирлиги;

- замонавий табиий ҳодисаларни тадқиқ этиш концепцияси;

- табиатдан оқилона фойдаланиш ва инсон фаолиятининг экологик тамойиллари;

- табиатга путур етказмайдиган технологиялар яратиш истиқболлари ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириши;

- таълим йўналиши учун зарур бўлган фундаментал фанларни чуқур ўрганишнинг илмий ва назарий асосларини таъминлаши;

- коинотнинг табиий объект эканлиги ва унинг эволюцияси ҳақидаги илмий тасаввурларни шакллантириш лозим.

##### **Умумкасбий фанлар блоки:**

- математик ва табиий-илмий фанлар билан махсус фанлар ўртасида илмий ва назарий боғлиқликни таъминлаши;



- таълим йўналиши ихтисослик фанларни ўрганиш ва чуқур эгаллаш учун зарур бўлган фундаментал умумкасбий билимларни, амалий кўникма ва уқувларни шакллантириши;

- таълим йўналишига мувофиқ касб фаолияти соҳаларида эришилган асосий ютуқлар, муаммолар ва уларнинг ривожланиш истикболлари ҳақида тасаввур ҳосил қилиши;

- иқтисодий ғояларнинг асосий оқимлари эволюциясининг хусусиятлари ва тенденциялари, миллий иқтисодиёт ва унинг макроиқтисодий ўлчамлари, иқтисодий салоҳиятдан самарали фойдаланиш муаммолари юзасидан назарий хулосалар чиқариши;

- классик иқтисодчи олимларнинг илмий-назарий қарашлари ва хулосаларидан хабардор бўлиши;

- макроиқтисодиёт тамойилларини билиши;

- режалаштириш, ташкил этиш, мотивациялаш ва мувофиқлаштириш, бозор ҳолати ҳақида ахборот тўплаш ва қайта ишлаш, пул, кредит, қимматли қоғозлар, молия бозорлари фаолияти кўрсаткичларини таҳлил қилиш кўникмаларига эга бўлиши;

- жаҳон хўжалиги ва халқаро иқтисодий муносабатлар соҳасида маълумотлар йиғишни ташкиллаштириш ва уларнинг сифатини баҳолашни билиши;

- хўжалик юритувчи субъектларнинг маблағлари, уларнинг ташкил топиш манбалари ва уларнинг иқтисодий салоҳиятини баҳолаши;

- бюджет-солиқ сиёсатининг таркиби, унинг ишлаб чиқилиши, амалга оширилиши ва асосий йўналишлари, инвестицияларни жалб қилиш ва баҳолашнинг стратегик ва тактик усуллари ҳақида тасаввурга эга бўлиши;

- мулкни баҳолаш муассасалари молиявий барқарорлигини ошириш ҳамда иқтисодий манфаатдорлигини таъминлаши лозим.

#### **Ихтисослик фанлар блоки:**

- тегишли бакалавриат таълим йўналиши бўйича махсус билимларни, касб фаолияти кўникмалари ва уқувларини шакллантириши;

- баҳолаш фаолиятига оид қонунчиликни билиши;

- баҳолаш фаолиятига оид стандартларни ўрганиши;

- турли мулкларни баҳолаш ва уларнинг амалга ошириш механизмини билиши;

- баҳолаш ишининг ўзига хос хусусиятларидан ва йўналишларидан (кўчар ва кўчмас мулк, интеллектуал мулк) хабардор бўлиши;

- баҳолаш ҳисоботларини ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказишни билиши;

- таълим йўналиши негизидаги муайян магистратура мутахассислиги бўйича келгусида таълимни давом эттиришга онгли муносабатда бўлишига кўмаклашиши лозим.

#### **Кўшимча фанлар блоки**

- таълим йўналиши талабаларнинг умумкасбий ва ихтисослик фанлари бўйича кўшимча равишда чуқур билим олишга бўлган эҳтиёжини қондириши;

- мулк бозорида рақобатбардошликни таъминлаши ҳамда таълим хизматлари соҳалари ривожини жадаллаштириши;

- таълим сифатига қўйилаётган талаблар ва молия бозори конъюнктураси тез ўзгараётган шароитда бакалавриат таълим йўналишлари бўйича ўқув режалар ва фан дастурларининг сафарбарлиги ва мослашувчан бўлишини таъминланиши;

- касбий фаолият стратегияси ва тактикасини тўғри танлай олиш, касбий нуқтаи назарнинг барқарорлигини таъминлаши лозим.

#### **Танлов фанлари:**

*Таълим йўналиши бўйича фан, техника ва технологияларнинг замонавий ютуқлари, кадрлар буюртмачилари талабларидан келиб чиққан ҳолда танлов фанларининг таркиби ва уларнинг мазмунига қўйилган талаблар ОТМ Кенгаши томонидан белгиланади.*

### 3.2. 5231500 – Баҳолаш иш бакалаврият таълим йўналиши ўқув режасидаги юклама ҳажми

Барча турдаги аудитория ва аудиториядан ташқари ўқув ишларини ўз ичига олган ўқув юкламасининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 54 соат қилиб белгиланади. Ишлаб чиқаришдан ажралган ҳолда (кундузги) ўқиш шакли учун аудитория машғулотларининг энг юқори ҳажми ҳафтасига 36 соатгача қилиб белгиланиши мумкин.

Ўқишнинг норматив муддати тўрт йил бўлгани ҳолда ўқув жараёни 204 ҳафта давом этиши зарур.

Фаол ва интерфаол шаклларда ўтказилаётган машғулотларнинг улуши дастурнинг асосий мақсади, талабалар контингенти хусусиятлари ва муайян фан мазмуни билан аниқланади. Талабаларнинг академик гуруҳлари учун маъруза соатлари ҳажми аудитория вақтининг 50 фоизидан ошмаслиги керак. Фан мавзуларининг камида 25 фоизи (умумий юклама ҳажмига нисбатан) мустақил таълим тарзида ўзлаштирилиши лозим.

Талабаларнинг ўқув режалар ва фанлар дастурларини ўзлаштиришида ўқув фанларининг бир қанча масалалари ва муаммолари бўйича мустақил билим олиши назарда тутилиши зарур.

Ўқув даврининг умумий ҳажми қуйидагича тақсимланади:

назарий таълим -	63 - 70%;
аттестация -	8 - 10 %;
таътил -	12 - 16 %;
малака амалиёти -	6 - 12 %;
битирув малакавий иши -	2 - 3%.

Назарий таълим ҳажми “Ижтимоий соҳа, иқтисод ва ҳуқуқ” билим соҳасига мувофиқ фанлар блоклари бўйича қуйидагича тақсимланади:

гуманитар ва ижтимоий-иқтисодий фанлар	15 - 20 %;
математик ва табиий-илмий фанлар	10 - 15 %;
умумқасбий фанлар	50 - 55 %;
ихтисослик фанлар	10 - 15 %;
қўшимча фанлар	5 - 7 %.

Ўқув йилида таътил даврининг умумий ҳажми 6 - 10 ҳафта қилиб белгиланади.

## Библиографик маълумотлар

УДК 002: 651. 1/7

Гуруҳ Т 55

ОКС 01.040.01

---

### **Таянч сўзлар:**

касбий фаолият объекти, касбий фаолият жабҳаси, бакалавриятнинг асосий ўқув режа ва фан дастури (бакалаврият дастури), профиль, ўқиб-ўрганиш натижалари, ўқув цикли, мулк, унга эгаллик ва бошқа ҳуқуқлар; кластер, қиймат, баҳо ва нарх; турли мулк ва бизнес қийматини баҳолаш; мулк экспертизаси; баҳолашнинг методологик асослари ва механизми; баҳолаш иши ва унинг асослари; баҳолаш фаолиятини мувофиқлаштириш ва назорат қилиш (тартиблаштириш); мулк ва уни баҳолаш хизматлари бозори; кўчмас мулк қийматини баҳолаш; кўчар мулк қийматини баҳолаш; бизнес қийматини баҳолаш; номоддий активларни баҳолаш; интеллектуал мулкни баҳолаш; қимматли қоғозлар қийматини баҳолаш, касбий фаолият тури, компетенция, модуль, таълим йўналиши.


Ишлаб чиқувчилар, келишилган асосий турдош олий таълим муассасалари ҳамда кадрлар истеъмолчилари

**ИШЛАБ ЧИҚИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси  
Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги хузуридаги  
Олий ва ўрта махсус касб-хунар таълимини  
Ривожлантириш маркази

/ Директор  проф. Б.Х.Рахимов

2016 йил « 24 » феврал



М.Ў

Тошкент молия институти

Ректор  проф.Б.А.Бегалов

2016 йил « 10 » феврал

М.Ў.


**КЕЛИШИЛГАН:**

Ўзбекистон Республикаси  
Хусусийлаштириш, монополиядан  
чиқариш ва рақобатни ривожлантириш  
давлат қўмитаси

Раиснинг биринчи ўринбосари  С.Х.Гафаров

2016 йил « 28 » феврал  
М.Ў.

Баҳоловчи ташкилотлар  
Ассоциацияси

Раис  О.Т.Исламов



2016 йил « 25 » феврал

Риэлторлик ташкилотлари уюшмаси

Ижрочи директори А.Г.Алиев

2016 йил « 25 » феврал  
М.Ў.

Раис Н.А.Мирзарахимова

2016 йил « 25 » феврал  
М.Ў.



**Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш  
Давлат қўмитаси**

**Бакалаврият таълим йўналишлари (магистратура мутахассисликлари) учун янгидан яратиладиган малака талабларига киритиладиган кадрлар истеъмолчиларининг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)**

т/р	Вазирлик (идора)нинг ташкилот (корхона)лари учун кадр тайёрланаётган бакалаврият таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги)*		Вазирлик (идора)нинг таълим йўналиши (магистратура мутахассислиги) битирувчилари касбий фаолиятларига қўйиладиган умумий малака талаблари (касбий компетентлик талаблари)
	шифри	номи	
1	5231500	Баҳолаш иши	<p align="center"><b>Битирувчи қуйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- баҳолаш ишига оид Ўзбекистон Республикаси қонун талаблари: “Ўзбекистон Республикаси баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонундан фойдалана олиши;</li> <li>- Ўзбекистон Республикаси баҳолаш миллий стандартларидан фойдалана олиши;</li> <li>- мулкларни баҳолашни амалга ошириш тартибини, баҳолаш ёндашувлари ва усулларини, баҳолаш натижаларини расмийлаштиришга қўйиладиган талабларни ўрнатувчи нормалари ва қоидаларини билиши ва ўз фаолиятида фойдалана олиши;</li> <li>- мулкни баҳолашнинг ҳолисоналигига ва унинг сифатини оширишга қўмаклашишга қаратилган тартиботларни белгилаши;</li> <li>- бошланғич дастлабки ахборотга, баҳолаш тўғрисидаги ҳисобот мазмунига ва материални баён этишга қўйиладиган баҳолаш тўғрисидаги ҳисоботлар ҳар хил талқин қилинишини истисно этадиган талабларни белгилаши;</li> <li>- мулкни баҳолашнинг самарали миллий тизимини шакллантиришга қўмаклашиши;</li> <li>- иқтисодиёт субъектларининг молиявий барқарорлигини баҳолаш ва уни ривожлантириш йўллари ишлаб чиқа олиши;</li> <li>- мулкни баҳолашда маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш усулларини билиши;</li> <li>- иқтисодий маълумотларни таҳлил қилиш ва умумлаштириши;</li> <li>- мулкчилик шаклидан қатъий назар корхоналар фаолиятини халқаро амалиёт мезонлари, меъёрлари ва талаблари асосида таҳлил қилиши;</li> <li>- мулк бозори кўрсаткичларининг ўзгариш тенденциялари ва динамикасини таҳлил қилиши;</li> </ul>



			<ul style="list-style-type: none"> <li>- таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологияларидан ва техник воситалардан фойдалана олиши;</li> <li>- мулкни баҳолаш ҳақида вазифани белгилаш ва объектни баҳолаш тўғрисида шартнома тузиш;</li> <li>- мулкни баҳолаш объектни идентификация қилиш;</li> <li>- мулкни баҳолаш бўйича ахборот йиғиш ва уни таҳлил қилиш;</li> <li>- мулкни баҳолаш ёндашувлари ва усулларини танлаш, асослаш ва қўллаш;</li> <li>- мулкни баҳолаш натижаларини, қўлланилган баҳолаш ёндашувларини мувофиқлаштириш ва баҳолаш объектнинг якуний қийматини ҳисоблаш;</li> <li>- мулкни баҳолашда қўлланилган ёндашувлар натижаларини мувофиқлаштириш ва баҳолаш объектнинг якуний қийматини ҳисоблаш;</li> <li>- мулкни баҳолаш ҳақидаги ҳисоботни тузиш қобилиятига эга бўлиши керак;</li> <li>- буюртмачи ва баҳоловчи ташкилот ўртасида тузилган шартномага мувофиқ баҳолаш объектни қийматини аниқлаш;</li> <li>- мулкни баҳолаш объекти маълумотларини тўплаш ва таҳлил қилиш;</li> <li>- тўпланган маълумотлар асосида баҳолаш ёндашувини танлаш ва қўллаш;</li> <li>- баҳолаш ёндашувларини қўллаган ҳолда, баҳолаш объектни қийматини аниқлаб, якуний ҳисоботни тузиш қобилиятларига эга бўлиши лозим.</li> </ul>
2	5A231501	Баҳолаш иши ва риэлторлик (объектлар бўйича)	<p><b>Битирувчи куйидаги касбий компетенция ва қобилиятларга эга бўлиши керак:</b></p> <ul style="list-style-type: none"> <li>- “Ўзбекистон Республикаси баҳолаш фаолияти тўғрисида”ги қонун, “Ўзбекистон Республикаси риэлторлик фаолияти тўғрисида”ги қонунларидан фойдалана олиши;</li> <li>- Ўзбекистон Республикаси баҳолаш миллий стандартларидан фойдалана олиши;</li> <li>- риэлторлик хизматлари миллий стандартларидан фойдалана олиш;</li> <li>- турли кўринишдаги мулкларни баҳолаш кўрсаткичларини ҳисоб-китоб қилиш учун зарур дастлабки маълумотларни тайёрлаш;</li> <li>- молиявий кўрсаткичларни ҳисоблаш усулларини (математик моделлаштириш, эконометрик прогнозлаш, баҳолаш ҳисоботларини ҳаққонийлигини экспертизадан ўтказиш, трендлар ва сценарийларни тайёрлаш, статистик усуллар) қўллаш олиши;</li> <li>- касбий фаолият соҳаси бўйича қўйилган масалаларни ҳал қилиш учун зарур статистик маълумотларни йиғиш, қайта ишлаш, таҳлил қилиш;</li> <li>- ҳисоб-китобларни таҳлил қилиш ва ўз ечимини асослаш, молиявий ва иқтисодий маълумотларни қайта ишлаш учун турли воситалардан фойдаланиш;</li> <li>- халқаро стандартлар асосида молиявий ҳисоботни тузиш ва тақдим этиш;</li> <li>- молиявий режалаштириш ва прогнозлаш учун бухгалтерия, молиявий ва бошқа ахборотларни таҳлил қилиш ва шарҳлаш;</li> </ul>

- молиявий кўрсаткичларнинг ўзгариш динамикаси ва тенденцияларини таҳлил қилиш;
- мулкни баҳолаш фаолияти бўйича халқаро тажрибаларни таҳлил қилиш;
- таҳлилий масалаларни ҳал қилишда замонавий ахборот технологияларидан ва техник воситалардан фойдаланиш;
- тақдим этилган лойиҳаларнинг молиявий самарадорлигини баҳолаш, уларнинг молиявий-иқтисодий натижаларини таҳлил қилиш;
- илмий ҳамда ҳисоб, таҳлил ва назорат фаолияти муаммоларини чуқур таҳлил қилиш, масалаларни қўйиш ва асослаш;
- илмий-амалий лойиҳалар бизнес-режаларини ишлаб чиқиш ва оптималлаштира олиши;
- баҳолаш иши ва риэлторлик фаолиятини ташкил қилиш ва бошқариш жараёнларини режалаштириш, мулк бозори ва мулк қийматини баҳолаш хизматлари бозорини таҳлил қилиш ҳамда оптималлаштириш, риэлторлик фаолияти иштирокчиларини бошқариш;
- e-learning ва m-learning технологиялари ҳамда бошқа техник воситалар асосида корпоратив маълумотлар базасини ривожлантириш, ходимларни ўқитишни ташкил қилиш;
- ишлаб чиқариш фаолияти сифатини бошқариш жараёнларини ишлаб чиқиш ва татбиқ қилиш;
- ишлаб чиқариш жараёнларини самарали амалга ошириш учун зарур бўлган ишлаб чиқариш жараёнлари ва ресурсларини режалаштириш;
- атроф-муҳитни муҳофаза қилиш ва меҳнат хавфсизлиги талабларига мос келиши борасида ишлаб чиқариш жараёнларини назорат қилиш;
- бизнес (корхона), кўчмас, кўчар ва интеллектуал мулклар қийматини баҳолаш ва бошқариш қобилиятларига эга бўлиши лозим.

**Ўзбекистон Республикасининг хусусийлаштириш,  
монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш  
Давлат қўмитаси Раисининг биринчи ўринбосари**



**С.Гафаров**

**Тошкент молия институти  
ўқув ишлари бўйича проректор**




**О.Ортиков**

**Тошкент молия институтининг “5231500 – Баҳолаш иши” бакалаврият таълим йўналиши ва “5A231501 – Баҳолаш иши ва риэлторлик (объектлар бўйича)” магистратура мутахассислиги бўйича малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқувчилар ҳамда кадрлар истеъмолчилари ўртасида**

## **КЕЛИШУВ ДАЛОЛАТНОМАСИ**

**Тошкент шаҳри**

**“25” феврал 2016 й.**

Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси раисининг биринчи ўринбосари С.Х.Гаффаров, Баҳоловчи ташкилотлар ассоциацияси раиси О.Т.Исламов, Риэлторлик ташкилотлари уюшмаси ижрочи директори А.Г.Алиев, Ўзбекистон баҳоловчилар жамияти раиси Н.А.Мирзарахимова ва Тошкент молия институти ўқув ишлари бўйича проректори О.А.Ортиқов, мазкур келишув далолатномасини қуйидагилар ҳақида туздик:


1. Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлигининг 2016 йил 11 февралдаги “Ўзбекистон Республикаси Бош вазирининг 2016 йил 5 февралдаги 07/1-73-сонли топшириғи ижроси тўғрисида”ги 66-сон буйруғига асосан Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази ҳамда Тошкент молия институтида ташкил қилинган ишчи-гуруҳлар томонидан “5231500 – Баҳолаш иши” бакалаврият таълим йўналиши ва “5A231501 – Баҳолаш иши ва риэлторлик (объектлар бўйича)” магистратура мутахассислигининг малака талаблари ва ўқув режалари ишлаб чиқилган. Ушбу малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда ривожланган мамлакатларнинг тажрибалари ҳамда таклифлари ўрганилиб чиқилди. Жумладан, “Кингстон университети” (Буюк Британия), “Касс бизнес мактаби” (Буюк Британия), “Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт университети” (Россия Федерацияси) каби ривожланган мамлакатларнинг етакчи таълим муассасаларининг мутахассисларининг таклифлари инobatга олинган.

2. “5231500 – Баҳолаш иши” бакалаврият таълим йўналиши ва “5A231501 – Баҳолаш иши ва риэлторлик (объектлар бўйича)” магистратура мутахассислигининг малака талаблари ва ўқув режаларини ишлаб чиқишда Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Баҳоловчи ташкилотлар ассоциацияси, Риэлторлик ташкилотлари уюшмаси, Ўзбекистон баҳоловчилар жамияти мутахассислари ўз фикр-мулоҳазалари билан иштирок этганлар.

3. “5231500 – Баҳолаш иши” бакалаврият таълим йўналиши ва “5A231501 – Баҳолаш иши ва риэлторлик (объектлар бўйича)” магистратура мутахассислиги кадрлар истеъмолчилари – Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Баҳоловчи ташкилотлар ассоциацияси, Риэлторлик ташкилотлари уюшмаси, Ўзбекистон баҳоловчилар жамияти мутахассислари томонидан мазмунан ўрганилди ҳамда уларни маромига етказиш мақсадида тегишли таклифлар билдирилди. Асосий кадр истеъмолчи сифатида Ўзбекистон Республикаси Хусусийлаштириш, монополиядан чиқариш ва рақобатни ривожлантириш давлат қўмитаси, Баҳоловчи ташкилотлар ассоциацияси, Риэлторлик ташкилотлари уюшмаси, Ўзбекистон баҳоловчилар жамиятларининг мутахассисларининг таклифлари “5231500 – Баҳолаш иши” бакалаврият таълим йўналиши ва “5A231501 – Баҳолаш иши ва риэлторлик (объектлар бўйича)” магистратура мутахассислигининг малака талаблари ва ўқув режаларини мукамаллаштиришда инobatга олинди.

Юқоридагилардан келиб чиққан ҳолда мазкур малака талаблари ва ўқув режаларини ўқув жараёнларига тадбиқ этиш мумкин, деб ҳисоблаймиз.


Ўзбекистон Республикаси  
Хусусийлаштириш, монополиядан  
чиқариш ва рақобатни  
ривожлантириш давлат қўмитаси

  
С.Х.Гафаров

Баҳоловчи ташкилотлар  
ассоциацияси

  
О.Т.Исламов

Риэлтэблик ташкилотлари  
уюшмаси

  
А.Г.Алиев

Тошкент молия институти ўқув  
инститлари бўйича проректори

  
О.А.Ортиқов

Ўзбекистон баҳоловчилар  
жамияти

  
Н.А.Мирзараҳимова





**Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирлиги ҳузуридаги  
Олий ва ўрта махсус, касб-хунар таълимини ривожлантириш маркази,  
Тошкент молия институти ва турдош олий таълим муассасалари билан  
хамкорликда ишлаб чиқилган таълим йўналишлари ва магистратура  
мутахассисликларининг малака талаблари ва ўқув режаларига берилган**

**ТАҚРИЗ**

